

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИЛ ЧИКИШИ
№ 237 (1499)
1
ДЕКАБРЬ
СЕШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН

Орденли область деган ном бизнинг зиммамизга кўп вазифаларни юклайди.

Жонажон Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтамызки, биз бу шонли номга асло доғ туширмаймиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини оғишмай юксалтириш учун курашдек олижаноб ишга ўзимизнинг бутун кучимизни, бутун ғайратимизни, қалбимизнинг бутун ҳароратини сарфлаймиз, улуғ ишлар етти йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тагин ҳам кенг авж олдирамиз.

Партия, ҳукумат ва халқимизнинг ишончини оқлаймиз!



Тантанали митинг президиуми. Минбарда — Сирдарё районидagi «Хақиқат» колхозининг раиси Н. Ўлдошева.

А. Палехов фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига

Биз, Тошкент область меҳнаткашлари орасидаги Ленин ордени билан мукофотланганга бағишланган митингда, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига юксак баҳо берилганини учун чин қўнғилдан қизин ташаккур билдирамиз.

Серкўб Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентда, областнинг шаҳарлари, қишлоқлари ва посёлкаларида ҳозир катта умумхалқ байрами бўлмоқда. Охтангара, Чирчиқ ва Сирдарё соҳилларида совет кишии забт этган Мирзачўлнинг кенг бағрида одамлар бутун эркин ва қувноқ меҳнатини — халқ бахт-саодати учун, секинли Ватанимизни яшатиш учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун қилинган меҳнатини улуғламоқдалар, давримизнинг ақли, номуси ва вилдони бўлган улуғ Ленин яратган Коммунистик партияни улуғламоқдалар.

Бу йилги йил кўнраги Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилади. Миннатдор авлодларимиз бу йили партиянинг XX съезди — коммунистик курилишнинг кенг авж олдириш съезди бўлган йил деб, улуғ етти йилликнинг совет халқи жаҳоншумул-тарихий ғалабаларга эришган биринчи йили деб, Ойнинг бетдан янгилигини олиб ташлаб, космос сирларини одамзод оғиб берган совет космик ракеталари учирган йил деб, Совет ҳукумати бошчилиги азия Никита Сергеевич Хрушчев Қўшма Штатларга тарихий сафар қилган ва бу сафар натижасида халқаро кескинлик кийинки йилларда ҳамда тинчлик тарафдорларининг эътибори мустаҳкамланган йил деб, эса оладиган бўламан.

Тошкент области меҳнаткашлари мамлакатимиз халқларининг етти йилликнинг биринчи йили тошқарилаётган муваффақиятлар бажариш учун олиб борган курашини ўз ҳиссаларини қўнғиллашлари билан бахтиёрларимиз. Бу йил Ватанга 3 миллион 100 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» берган ўзбек халқининг меҳнат зафарларида Тошкент области колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, областдаги ҳамма меҳнаткашларнинг ҳиссаси оз эмас. Тошкент области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг наратлаги Плениумини муносиб равишда қўнғиллаш учун, давлат планини ва социалистик мажбуриятини муддатидан олдин бажаришлари, мамлакатда 460 минг тоннадан кўпроқ пахта тоширишлари, бу пахтанинг 76 минг тоннасида кўпрогини машиналарда териб берилари, — биз бу ютуқлардан гўя мамнуниймиз.

Тошкент области, аввало, КПСС Марказий Комитетининг ва жонажон Совет Ҳукуматининг, ўзбек халқининг улуғ дўсти шахсан азия Никита Сергеевич Хрушчевнинг мутасил бериб келган ёрдамлари, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг экономикаси ва маданиятини гуллаб-яшнатиш тўғрисида ҳар доим оталарга ғамхўрлик қилганликлари тўғрисида шу муваффақиятларга эришим.

Биз учун қувноқли бўлган шу тарихий кунда партияимизнинг ленинчи Марказий Комитетига, Совет Ҳукуматига, азия Никита Сергеевич Хрушчевга бизга ғамхўрлик қилиб ва зўр ёлтириб бериб, ғайратимизга ғайрат қўшаётганликлари ва бизни секинли Совет Ватанимизнинг шон-шухрати йўлида ангидан-анги муваффақиятларга чақираётганликлари учун сийқили билан катта раҳмат айтиб, чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Бутун биз гўя хурсанд бўлиб, жонажон оғамиз улуғ рус халқига бизга бегараз доимий ёрдам ва мадад бериб келганлиги учун миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиламиз. Пахта етиштиришни кўпайтириш

учун курашда биз билан мусобақа қилишаётган Тошкент, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Арманистон меҳнаткашларига, шунингдек Андижон областининг меҳнаткашларига кўрсатган ёрдамлари учун ташаккур билдирамиз. Бизнинг миллий ифтихоримиз бўлган пахта барча совет кишилари меҳнатининг маҳсулидир. Кўп миллатли Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги бизнинг кучимиздир, ғалабаларимизнинг манбаидир, бизнинг учун илҳом манбаидир.

Тошкент области Ленин ордени билан мукофотланганлигини биз меҳнатимизга берилган баҳо дебгина ҳисобламасдан, шу билан бирга, пахтачиликни, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун курашда янги муваффақиятлар қозонишга қилинган заҳирлиқ деб ҳам биламиз.

Етти йилликнинг иккинчи йили бўлган келгуси йилда мўл ҳосил олишни таъминлайдиган мустаҳкам негиз ҳозирламоқ — 300 минг гектардан кўпроқ ери шудор қилиб қўймоқ, ерларнинг меиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида катта меиоратив ишларини ўтказмоқ, ирригация ва сугориш шохобчаларини тахт қилиб қўймоқ учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Партия Марказий Комитетини ишонтириб шуни айтмизки, пахта, маккажўхори, каноп, жут, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилини тинмай оширмоқ учун зўр бериб курашамиз.

Биз бу вазифини дехқончилик маданиятини ошириш, аламшалаб екишларини жорий қилиш, комплекс меҳанизацияни тагин ҳам кенг миёсда жорий қилиш йўли билан бажарамиз. Келгуси йилда пахта майдонларининг 60 процентидан кўпроғида чигитчи режа сими тортиб, сеялкалар билан квадрат-ушалаб экимоқчимиз, пахта майдонларининг 30 процентидан кўпроқ қисмида гўза датор ораларини машина билан икки ёқлама ишламоқчимиз, 150 минг гектар ердаги гўзани эса зетмонсиз парвариш қилимоқчимиз. Никита Сергеевич Хрушчевнинг пахтачиликда меҳнатни энг кўп талаб қилаётган ишларини машиналаштириш тўғрисида берган доно маҳлафатида бундан бун ҳам амал қилиб, қамизда 150 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз.

Биз меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини қамайтириш учун, областдаги ҳамма совхозларнинг юксак даражадаги пахтачилик бўлиб қолишлари учун, колхозларнинг даромадларини, бўлим-мас фондларини кўпайтира бериш учун, тоқош қишлоқининг маданиятини тўхтовсиз ошира бериш учун зўр бериб курашамиз.

Орденли область деган ном бизнинг зиммамизга кўп вазифаларни юклайди.

Жонажон Коммунистик партияни, унинг Ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтамызки, биз бу шонли номга асло доғ туширмаймиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини оғишмай юксалтириш учун курашдек олижаноб ишга ўзимизнинг бутун кучимизни, бутун ғайратимизни, қалбимизнинг бутун ҳароратини сарфлаймиз, улуғ ишлар етти йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тагин ҳам кенг авж олдирамиз.

Коммунистик партия, унинг Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети теварағида маҳкам жипслашиб, ленинизмнинг зафарли байроғига ҳамisha содиқ бўлиб, мамлакатимиз халқларининг ақли оқласида туриб, коммунизмнинг янги шонли ғалабалари сари олға борамиз.

КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ! ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ МИТИНГ

Ленин ордени... Пойтахт области мусобақадонимиз Андижон областининг вакиллари билан қизгин саломлашди.

Бу кувончли воқеа ҳақидаги хабар шаҳар ва районларга, қишлоқ ва тоғ оралиқларидаги посёлкаларга гўё қанот боғлаб унгандек тарқалди, ҳар бир уйга қувонч келтирди, ҳар бир меҳнаткашнинг кўнғилида чексиз қувонч ва мағрурланиш тўйғуларини уйғотди. Бу йил мамлакатда 460 минг тонна Тошкент пахтаси берилади ва Ватан пахтакорларининг меҳнатини жуда юксак тақдирлади.

30 ноябрь кунини эртабадан Тошкент безакларга чулганди ва яшариб кетди. Ҳамманинг оғзида қувончли хабар. Театр майдониди Тошкент областининг мукофотланган бағишланган тантанали митинг пахтакорларини чорлаган қанай-сунрай садолари мағрур янгради.

Навоий номи театр оstonасига байрамдэгдек безанган кишилар тушпан машиналар кети узимасдан келиб турибди.

Ҳамманинг оғзида «Табриклаймиз!» деган қувончли, юрак сўзи. Гулистонлиқлар оққўрғонлиқларини, оққўрғонлиқлар эса ўз қўнғилари бўқаликлари табриклайдилар. Боевутликлар бекободлик пахтакорларининг қўлини қисадилар. Ҳамма

мусобақадонимиз Андижон областининг вакиллари билан қизгин саломлашди.

Тантанали митингга колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, дондор меҳанизаторлар, бригада бошлиқлари, агрономлар, инженерлар, партия ва совет ходимлари тўпланшди.

Соат ўй икки. Чироқларнинг ёрқин шуъласи залини чароғон қилиб юборди. Саҳна тепасига: «Ленин ордени Тошкент областининг пахтакорларига салом!» деган сўзлар ёнган қизил алдон осиб қўйилган. Саҳнанинг тўрида Владимир Ильич Лениннинг скульптура портрети қўйилган, унинг ортида эса кўз ялғамас пахта майдонлари акс эттирилган манзара кўзга ташланиб турибди.

М. А. Абдуразақов, А. П. Бизов, Г. А. Габриелянц, Р. Г. Гуломов, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбоева, Ш. Р. Рашидов, М. В. Муҳаммадзонов, А. Н. Рулин, ВПСП секретари А. И. Шевченко, министрлар, район ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, район ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари, область ташкилотларининг раҳбарлари, фан ва техника арбоблари, областнинг дондор кишилари, уш марта Социалистик Меҳнат Қаҳ

рамони Ҳамроқул Турсунқулов, Ўзбекистоннинг машҳур меҳанизатори Турсун Охунова, Сирдарё районидаги «Хақиқат» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Ўлдошева ва бошқалар президиум столы ёнидан жой олдилар.

Тошкент областининг Ленин ордени билан мукофотланганга бағишланган митингги область ижроия комитетининг раиси Х. Ж. Жали

лов очади. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг садоси янграйди.

Тантанали митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Президиумини кўтаринки руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Гуломовга сўз берилади.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Г. ГУЛОМОВ нутқи

Қимматли ўртоқлар, дўстлар! Биз бу ерда, ана шу залда Тошкент областининг барча меҳнаткашлари учун қувончли бўлган кунда йиғилишдик.

СССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Фармони билан бизнинг Тошкент области энг фахрий ва энг олий мукофот — Совет давлатининг Ленин ордени билан тақдирланди.

Фармонни ўқигишга руҳсат этинглари!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ.

Ўзбекистон ССР Тошкент области меҳнаткашларининг пахта етиштириш кўпайтиришда эришган натта муваффақиятлари, пахта етиштириш (ДАВОМИ ИКИНЧИ БЕТДА)

ҚАРДОШ ИШЧИ ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИГА

КПСС делегациясини Венгрияда бўлиши

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС делегациясини Венгрия Социалистик ишчи партиясининг VII съезидида қатнашиш учун 29 ноябрда «Ту — 104» самолетида Москвадан Будапештга жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзосидаги кандидат, КПСС Свердловск области комитетининг биринчи секретари А. П. Кирилленко, КПСС Марказий Комитети аъзосидаги кандидат, Украина КП Сталино область комитетининг биринчи секретари И. П. Казанец, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари Л. Н. Демичев, Москва шаҳар КПСС Ленинград район комитетининг иккинчи секретари Е. С. Наумовалар бор. Совет Иттифоқининг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси Т. Ф. Штихов ҳам делегация составига кирди.

Внуково аэродромда делегациянинг А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Кузнецов, Н. А. Мухомин, М. А. Сулов, Е. А. Фурцева, М. Н. Шверник, П. Н. Поспелов, А. И. Косигин, Д. С. Полянский ўртоқлар узатиб қолдилар.

Делегацияни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, Москва шаҳар ва область партия ташкилотларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ва масъула ходимлари, шунингдек Венгрия Халқ Республикасининг СССР делегацияси муваққат ишлар вакили Петер Копь ва аълихона ходимлари ҳам узатиб қолдилар.

Шу кунинг делегация Венгрия пойтахтига етиб келди.

Делегация келиб тўхтаган Ферихель аэродроми байрамлардэгдек безатилган, Венгрия, Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва социалистик лагердаги бошқа мам

лакатларнинг давлат байроқлари қилираб турибди. Аэропорт биносига кира беришда «Қардош мамлакатларининг делегатларига қизгин салом» деган сўзлар олти тилда ёнғил қўйилган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясини кўтиб олиш учун Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматининг раис Ференц Мюниш, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Дьердь Маршан, Дьёзс Каллан, Лайош Фехер, Пене Фок, Венгрия Социалистик ишчи партияси Будапешт шаҳар комитетининг биринчи секретари Шандор Гашпар, СССРнинг Венгриядаги элчихонасининг дипломатик состави, пойтахтдаги корхона ва муассаса-

ларнинг вакиллари аэродромга келдилар.

Соат 14 дан 25 минут ўтди. Қумушсимон «Ту-104» самолети ерга қўнади ва аэропорт биноси олдида келиб тўхтади. Венгрия Социалистик ишчи партиясининг раҳбарлари ва кўтиб олувчи бошқа кишилар самолет олдида борадилар ва самолётдан чиқиб келатган меҳмонларни самийий табриклайдилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Янош Кадар ва Ференц Мюниш билан кучоғлашади ва ўпашади.

Венгрия совет пионерлари Н. С. Хрушчевга ва делегациянинг бошқа аъзоларига атрула ва чинингулардан ясалган гулдасталар тақдим этадилар. Делегация аъзолари совет меҳмонларини кўтиб олиш учун келган меҳнаткашлар вакиллари олдида борадилар. «Ура», «Эйлен» деган садолар эшитилади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев самийий табриқларга жавоб қайтарди.

Сўнгги ўртоқ Н. С. Хрушчев Янош Кадар машинага тушиб, делегацияга ажратилган резиденцияга борадилар. (ТАСС).

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси
К. ВОРОШИЛОВ
СССР Олий Совети
Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ

А. Палехов фотоси.

а кенг йўл!

тиги билан бажарилганлиги ҳақида рилли.
фахр билан рапорт берамиз. Сов-
хоз Ватанга пландаги 13.200 ўрин-
(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

тиги билан бажарилганлиги ҳақида рилли.
фахр билан рапорт берамиз. Сов-
хоз Ватанга пландаги 13.200 ўрин-
(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

